

Термиз туманида пилла етиштириш мавсумига старт берилди



Жорий йил пилла ҳосили учун биринчи мавсумда Термиз тумани пиллакорлари жами 2,5 минг қути ипак қуртини боқиб, 154 тонна пилла етиштиришни мақсад қилишган. Бугун биринчи мавсум учун ипак қурти боқишига старт берилди.

“Термиз Агро пилла” МЧЖнинг Янгиарик филиалида бўлиб ўтган тадбирда туман ҳокими Шухрат Назаров, вилоят ҳокимининг ўринбосари Зулхумор Хидорова, туман сектор раҳбарлари, пиллачилик соҳаси масъуллари, республика вакили, фермер хўжаликлари раҳбарлари, хотин-қизлар фаоллари ҳамда кўп йиллик тажрибага эга пиллакорлар иштирок этишди.

Мутасаддилар пилла етиштиришнинг замонавий усувлари, имконият ва имтиёзлари ҳамда бошқа масалалар юзасидан пиллакорларга маълумот беришди.

Шундан сўнг, ипак қурти етиштириш бўйича контрактация шартномалари тузилган пиллакорлар ҳамда фермер хўжаликлари вакилларига ипак қурти уруғлари тарқатилди. Бугундан Термиз туманида жорий йил ҳосили учун биринчи мавсум ипак қуртини боқиши ишлари бошланди.